

**КУШОН ПОДШОЛИГИ ДАВРИДА – ДАВЛАТ, ДИН ВА
ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР**

Қахрамон Усманович Умидуллаев

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат

ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими,

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: umidullaevkahramon@gmail.com

Тел: +99890 644-24-64

Аннотация: Ушбу мақлада Кушон подшолиги ва унинг вужудга келиши тарихи ёритиб берилган. Мақолада Кушон подшолигининг ҳудуди, подшоликда диний қарашлар, ушбу даврга оид тарихий манзилгоҳлар ҳақида фикр юритилган. Кушон подшолигига солиқ тизими, тангашунослик, қўшни давлатлар билан савдо муносабатлари ёритиб берилган. Мавзуга оид миллий ва хорижий олимларнинг ишлари ўрганилган. Ўрганиш натижалари асосида тегишли хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: Кушон подшолиги, Кужула, Вима, Канишка, Хувишка, Васудева, Далварзинтепа, Пешавор, Хюми, Шаунми, Гуйшуан, Хисе ва Думи

Кам ўрганилган аммо Осиёнинг катта қисмини эгаллаган қадимги давлатлардан бири Кушон подшолиги нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон давлатчилиги тарихида ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу давлат ҳақида маълумот кам бўлиб, асосан илк ўрта аср манбалари, кушон ёзувлари, Хитой манбалари, ҳайкалтарошлик, буддавийлик, ўша даврга оид турли иншоатлар ва тангашунослик маълумотларига асосланади.

Кушон подшолининг илк пойтахти Далварзинтепа Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани марказидан 10 км шимолий шарқда жойлашган, майдони 47 гектар, мустахам, қалинлиги 10 метр, узунлиги эса 2,5 км, бўлган 2 қисмдан иборат муҳофаа девори билан ўралган. Унинг ички қисмида жойлашган Шоҳ

саройи, яъни қалъа ҳам қалин девор билан ўралган. Шаҳарда аслзодалар, хунармандлар, кулоллар, савдогарлар ва руҳонийлар яшаган.

Далварзинтепа 1962 йилда Ўзбекистон санъатшунослик илмий тадқиқот институти олимлари томонидан ўрганилган. 1968 йилда Душанбе шаҳрида “Кушонлар даврида Марказий Осиё” мавзусида ўтказилган халқаро анжуманда экспедиция топилмаларига (хайкаллар, кулолчилик буюмлари, шаҳар мудофаа иншоотларини ўрганиш натижалари ва ҳ.к.) асосланиб Кушон подшолигининг дастлабки пойтахти Далварзинтепа бўлган деган хулосага келинган¹. Бундан ташқари кейинчалик Далварзинтепада Кушон шохи Вима Кадфиз даврида зарб этилган танга муҳрининг топилиши ҳам Кушонлар давлатининг илк пойтахти эканини яна бир марта исботловчи ашёвий манба ҳисбланади.

Шунингдек, Ш.Ульжаеванинг фикрига кўра, Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ҳудудида жойлашган кўҳна Далварзинтепа шаҳари узунлиги 2,5 км, қалинлиги 10 метр бўлган ҳимоя девори ва чуқур хандақ билан ўраб олинган. Деворда ҳарбий мақсадларни кўзлаб махсус миноралар қурилган. Шаҳарнинг марказий қисмида бой шаҳарликларнинг маҳаллалари, жанубий қисмида эса хунармандлар яшайдиган кулолчилик маҳалласи жойлашган. Бу ердан топилган кўп сонли топилмалар нафақат маҳаллий усталар томонидан тайёрланган балки, Яқин ва Ўрта Шарқдаги турли ҳудудларидан келтирилган буюмлардир. Далварзинтепанинг шаҳар олди қисмида милонинг I асрида бунёд этилган Будда ибодатхонаси қолдиқлари очилиб, ундан диний қарашлар билан боғлиқ бўлган кўп сонли артефактлар топилган. Кўҳна шаҳарнинг марказидан милоний II-III асрларга оид яна бир йирик ибодатхона қолдиқлари очилган.

Далварзинтепада академик Э.Ртвеладзе томонидан 1972 йилда олиб борилган қазишмаларида Кушон подолигига оид ноёб артефактлар топилган. Хусусан, эрамизнинг I асрига тегишли 36 килограмм оғирликдаги ҳудуд тарихида энг йирик тилла буюмлар, афсонавий “Далварзин хазинаси”

¹ Турғунов Б. Ўзбекистон миллий энциклопедияси
www.tadqiqotlar.uz

топилган. Ҳозирда Ўзбекистоннинг турли музейларида Кушон даврига оид, хазиналар, экспонатлар мавжуд. Кушон даврига оид топилмалар нафақат Ўзбекистон, бошқа ҳудудлардан, хусусан, Афғонистонда ҳам йирик миқдордаги Кушон олтинлари ва бошқа ашёлар топилган.

“Кушон подшолиги эфталийлар томонидан забт этилгандан кейин Далварзинтепа вайрон килиниб ҳаёт фақат унинг бир қисмидагина сақланиб қолган. Араблар истилосидан сўнг шаҳар батамом вайрон килиниб, ҳаёт Далварзинтепадан 10 км чамаси шарққа, Будрочтепа ўрнига кўчган”².

Кушон подшолиги даврига оид йирик ва кўҳна шаҳарларидан яна бири Холчаён Сурхондарё вилояти Денов шаҳри шимоли-шарқида жойлашган. Холчаёнда Кушон подшолиги даврга оид йирик сарой иншоотлари, тураржойлар очилган. Саройнинг айвони ва бош зали деворлари суратлар билан безатилган. Умуман олганда Кушон шохлари томонидан бунёд этилган юзлаб иншоотлар нафақат Сурхондаё, балки Марказий Осиё, Покистон, Ҳиндистон ва бошқа ҳудудларидан топилган.

Кушон давлатининг вужудга келиши билан боғлиқ мавжуд маълумотларга кўра, юечжилар мил.авв. 140–130 йиллар оралиғида Бактрияга бостириб кириб, Катта юечжи давлатини ташкил этган. Катта юечжи бешта – Хюми, Шаунми, Гуйшуан, Хисе ва Думилардан иборат бўлгани тўғрисида маълумотлар мавжуд. Кейинчалик улардан Гуйшуан (Кушон) ябғуси Кужула Кадфиз I қолган тўрттасини бирлаштириб Кушон давлатига асос солган.

“Тадқиқотчилар Кушон давлати тарихини қуйидаги учта босқичга ажратадилар:

1. Юнон–Бактрия подшолари ҳукмронлигининг тугатилиши ҳамда Ўрта Осиё ва Шимолий Афғонистон ҳудудларида бир нечта алоҳида давлат уюшмаларининг ташкил топиши (мил.авв. II асрнинг охири – I аср).

2. Буюк Кушон давлатининг пайдо бўлиши ва гуллаб яшнаши (милодий I–III асрлар).

3. Кўчманчиларнинг тинимсиз урушлари натижасида Кушон

² Ўша манба.

давлатининг инқироzi ва қулаши (III аср охири – IV аср).

Яна бир манбада қайд этилишича, Кушон подшолиги милодий I–III асрларда Юнон-Бақтрия давлати ўрнида 5 та кўчманчи юечжи қабилаларининг бирлашуви натижасида ташкил топган қадимги давлат.

Дастлаб Кушон қабиласи жабғуси (жабғу қабила бошлиғи) Кужула Кадфиз милодий I асрда қолган 4 қабилани бирлаштриб, ўзини ҳукмдор деб эълон қилган. Кушон подшолги таркибига дастлаб Шимолий Бақтрия, Тожикистон, Ўзбекистоннинг жанубий қисми, Туркменистоннинг жанубий шарқий ҳудудлари кирган. Кадфиз I даврида ҳозирги Афғонистон ва Покистоннинг катта қисми босиб олинган. Кадфиз I нинг вориси Вима Кадфиз ҳукмронлиги даврида эса Ҳиндистоннинг аксарият қисми Кушон подшолигига қўшиб олинган. Кушон подшолигининг энг равнақ топган даври Канишка ҳукмронлик қилган вақтга тўғри келади. Ўрта Осиёда Кушон мулкларининг шимолий чегараси Ҳисор тизмаси бўйлаб, у ердардаги тоғ дараларида ғоятда мустаҳкам чегара деворлари қурилган³.

Ушбу тарихий маълумотлар хорижий олимлар томонидан ҳам тасдиқланган. Хусусан, уларда қад этилишича “Кушон подшолиги Ўрта Осиё ва шимолий Ҳиндистон ҳудудини эгаллаган милодий 1–4 асрлар оралиғида мавжуд бўлган қадимги давлат. Кушон қабиласи жабғуси Кужула Кадфиз милодий I асрда қолган 4 та қабилани бўйсундириб, ўзини ҳукмдор деб эълон қилган⁴.

Шунингдек, “Хитой манбалари “Тханшу” – Тхан сулоласи тарихида катта ва кичик юечжелар кўрсатилиб, улар кўчманчи эди, деб таъкидланади ҳамда унинг таркибига мустақил мулклардан иборат “хи-хэу” бешта давлат (Хюми, Шуанми, Хейтун, Гуйшуан, Гаофу) кирганлиги маълум қилинади”⁵.

А.Кабировнинг қайд этишича, “Гуйшан қабиласининг сардори Кудзула

³ Гафуров Б.Г. Кўшанская эпоха и мировая цивилизация, М., 1968.

⁴ Beckwith 2009, p. 380 “The identity of the Tokharoi and Yüeh-chih people is quite certain, and has been clear for at least half a century, though this has not become widely known outside the tiny number of philologists who work on early Central Eurasian and early Chinese history and linguistics”.

⁵ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, М. –Л. 1950, II том, 187-бет.

Кадфиз I (милодий 1-50 йиллар) қолган 4 қабилани бирлаштириб, Кушон давлатига асос солган ва ўзини “Шоҳлар шоҳи” деб эълон қилган. Кудзула Кадфиз I жанубий Бактрия ва Кашмир вилоятини босиб олади.

Кушон подшолиги Канишка (78 – 123) даврида Осиёдаги энг кучли қулдорлик давлатлардан бирига айланади. Канишка Ҳиндистоннинг катта қисмини Кушон давлати таркибига қўшиб олади. У Парфия билан зафарли урушлар олиб боради. Канишка даврида Қашқар, Ёркент ва Хутан ҳам Кушон салтанати таркибига киради. Шу даврда Кушон салтанатининг ерлари Ҳиндистондан Орол денгизигача Парфиядан Хутонгача ёйилган эди. Бу даврда Кушонлар салтанатининг пойтахти Бақтрдан Пешаварга кўчирилган.

Канишканинг ворислари Хувишка ва Васудевалар даврида ҳам Кушон давлати ўз куч-қудратини сақлаб қолган. Хитой тарихчиларидан бири “Кушон подшолиги 100 минг оила ва 100 минг кишилиқ кўшиндан иборат бўлганлар”, деб таъкидлайди. Кушонлар подшолиги даврида “Буюк ипак йўли”нинг тармоқлари узайтирилиб, савдо-сотик янада ривожланган. Кушон подшолигида жуда кўп халқлар ва элатлар яшаганлар. Шунинг учун уларнинг маданияти ранг-баранг бўлган. Бу нарса тасвирий санъатда, диний эътиқодда ҳам ўз аксини топган⁶”.

Г.А.Пугаченкова ҳамда Э.В.Ртвеладзеларнинг қайд этишича, “Кушон подшолигига асос солган этник гуруҳлар Марказий Осиёнинг шимолий ҳудудларида истиқомат қилган. Улар Хан Хитойи солномаларида “Катта Юечжи” деб аталган. Мазкур этник гуруҳлар милоддан аввалги 140–130 йилларда Ўрта Осиёнинг жанубига, яъни Бактрияга юриш қилганлар ва Юнон-Бактрия ҳукмронлигига чек қўйган. Буюк Кушон шоҳлари Кужула Кадфиз, Вима Кадфиз, Канишка I, Хувишка, Васудева Кушон давлати чегараларини мустаҳкамлашда, иқтисодиёт ва маданият соҳаларини ҳамда савдо алоқаларини ривожлантиришда фаол бўлганлар”⁷.

⁶ Кабиров А. Қадимги шарқ тарихи Тошкент. 2018 – Б. 285-287.

⁷ Пугаченкова. Г.А., Ртвеладзе Э.В. н др. Дальверзинтепе – кушанский город на юге Узбекистана. Ташкент: Фан, 1978. – С 185.

Умаман олганда Кушон подшолигининг вужудга келиши тарихи, подшолари, ҳарбий ҳаракатлари, ҳудуди, аҳолиси, диний қарашлари, маданияти, санъати тўғрисида 1913 ҳамда 1960 йилларда Лондонда, 1968 йилда Душанбеда, 1970 йилда Кобулда халқаро анжуманлар ўтказилган.

“Кушон подшолигида сиёсий ҳокимият руҳонийлар қўлида бўлган. Подшо дунёвий раҳбар бўлиши билан бирга бош қоҳин ҳам ҳисобланган. Кушон подшолигида динлараро муросасозлик сиёсатини юрғизилган. Аҳолиси асосан, буддизмнинг маҳаяна мазҳабига эътиқод қилишган. Шунингдек, зардуштийлик, оташпарастлик, ҳиндуизм каби бошқа динлар ҳам бўлган. Ўз даврида Кушон подшолиги Рим, Парфия ва Хитой билан ҳар жиҳатдан беллаша олган қадимги шарқдаги энг қудратли салтанатлардан бири бўлган. Подшолик таркибида бир неча мамлакатлар, халқлар ва элатлар ва турли маданиятлар, хусусан юнон, сак ва ҳинд маданиятлари мужассамлашган.

Археологлар томонидан Кушон подшолиги даврига оид Баграм, Балх, Беган, Сурхкхўтал (Афғонистон), Косамби (Ҳиндистон), Сирсуқх, Таксила (Покистон), Айритом, Бозорқалъа, Далварзинтепа, Зартепа, Кўҳна Вое, Термиз, Хайрободтепа, Холчаён (Ўзбекистон), Кайқубодшоҳ, Кўҳнақалъа, Шахринав, Мунчоқтепа (Тожикистон)да қазилган ишлари олиб борилган.

Кушон подшолиги даврига оид шаҳарлар ичида арклар мавжуд бўлиб, уларнинг атрофини турли бинолар мажмуаси қуршаб турган. Шаҳарлар, одатда, дарё бўйларида, стратегик жиҳатдан қулай жойларда бунёд этилган. Улар подшо саройи, бой-зодагонлар ва ҳунармандлар маҳалласи, кўча ва майдонлар, ҳовўзлар, турли динларга мансуб иншоотлар, экинзор ва боғлардан иборат бўлган. Уйлар кўп хонали, ҳашаматли бўлиб, баъзилари икки қанатли қилиб қурилган”⁸.

Кушон подшолари зарб қилган олтин, кумуш ва мис тангалар Эфиопия, Скандинавия, Италия ва бошқа кўпгина мамлакатларда топилгани, Кушон подшолиги бошқа мамлакатлар билан савдо алоқалари ўрнатилганидан

⁸ Литвицкий Б. А., Седов А. В., Культы и ритуалы кўшанской Бактрии. М., 1984;
www.tadqiqotlar.uz

далолат беради. Кушхон подшолнинг гуллаб-яшнаши Канишка (тахминан эрамизнинг 78-123 йиллари) даврига тўғри келди. Ўша даврда пойтахт Пешоворга кўчирилган. Мамлакат ҳудуди Ҳиндистон ва Хўтонгача бўлган ўлкаларни қамраб олган.⁹

Кушон подшолари Ғарб ва Шарқдаги мамлакатлар, хусусан Рим билан савдо ва сиёсий алоқаларни олиб боришган. Буни подшо Вима Кадфиз даврида Римдагига ўхшаш тангалар зарб этилиши, ўтказилган пул ислоҳоти ҳам тасдиқдайди. Тупроққалъада топилган тери ва тахтачаларга ёзилган архив ҳужжатлари ҳам кам ўрганилган. Бу даврнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд. “Кулдорлик анча ривожланганлигини кўрсатадиган далиллар мавжуд. Жумладан, Тупроққалъа архивидаги ҳужжатларда куллар сонини кўрсатувчи далиллар очилган, биргина Гвишиара деган зодагон хонадонидан 17 та кул бўлган”¹⁰.

Кушонлар даврида шаҳарсозлик ва шаҳар маданияти ривожланган. Буддавийлик кенг ёйилган бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида жойлашган Қоратепа, Фаёзтепа каби тарихий манзилгоҳларда буддавийлик иншоотлари аниқланган.

Кушон подшоси Канишка даврида Панжоб, Кашмир вилоятлари мамлакатга қўшиб олинган. Бу даврда мамлакат ҳудуди Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиёнинг жануби, Шарқий Туркистондан иборат эди. Сюан Сзыннинг ёзишича, “Канишка подшолик қилган даврда унинг шон-шуҳрати кўшни мамлакатларга ёйилди. Мамлакатнинг ҳарбий қудрати кўпчилик томонидан тан олинди. Хитойнинг ғарб томонидагилар ҳам Канишканинг ҳокимиятини тан олиб, унга ўз гаровга қўйган одамларини юборар эдилар”.

Милодий I аср бошларига келиб Кушон давлати Хан, Парфия ва Рим билан рақобатлаша оладиган қалимги дунёнинг қудратли давлатларидан бирига айланган. Кужула Кадфиз даврида Кушон давлати ерлари кенгайган.

⁹ Пугаченкова Г. А., Ртвеладзе Э. В. Северная Бактрия – Тохаристан, Т., 1990.

¹⁰ Древнейшие государства Закавказья и Средней Азии. М., “Наука”, 1988. с.344

Кушон шохлари томонидан зарб этилган айрим тангаларнинг бир томонида энг сўнгги Юнон-Бақтрия подшоси Гермей тасвири туширилиб, унинг номи ёзилган. Айрим тадқиқотчилар Кадфиз дастлаб Юнон-Бақтрия подшоси Гермей ҳокимлиги тан олаган ва улар бирликда танга зарб этишган. Кейинроқ Кадфиз “ёбғу”дан “шоҳлар шоҳи” унвонига кўтариб ўз номидан танга зарб этган. Айрим тангаларда “шоҳлар шоҳи, буюк халоскор” деган ёзув учрайди. Олимларнинг фикрига кўра, бу тангаларни Кадфиз зарб қилган.

Бизнингча шоҳ Кадфиз ўзини “шоҳлар шоҳи, буюк халоскор”, – деб аташида ўзига ҳос маъно ва ҳақиқат мавжуд. Хусусан, ўзини “шоҳлар шоҳи”– деб аташига Юнон-Бақтрия давлатини тугатиб, ўрнига Кушон давлатига асос солганини, “буюк халоскор” деганда эса Кадфиз ўзини шу ҳудуднинг туб аҳолиси вакили эканлигини, яъни ҳудудни, мамлакатни бегоналардан озод қилганини назарда тутганини ангаш мумкин. Тарихий манбаларда Кушон шохлари туркий халқлар эканлиги қайд этилганига асосланиб айтиш мумкинки, Кушон давлати ўзбек давлатчилигининг қадимги ва йирик давлатларидан бири ҳисобланади.

Кужула Кадфиздан сўнг тахтга ўтирган ўғли Вима Кадфиз даврида Ҳиндистоннинг бир қисмини Кушон давлатга қўшиб олади ва Рим билан алоқалар ўрнатилган. Канишка даврида Кушон подшолиги таркибига Панжоб, Кашмир вилоятлари мамлакатга қўшиб олинган. Мамлакатнинг пойтахти Пешоварга кўчирилган. Мамлакат ҳудуди Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Марказий Осиё ва Шарқий Туркистондан иборат бўлган.

Канишка даврида буддийлик динига эътибор янада кучайган. Ҳунармандчилик ва савдо ҳам ривожланган. Унинг даврида Кушон давлати ҳар тарафлама ривожланган. Кушон, Рим ва Хан давлатлари ўртасида савдо-сотик муносабатлари энг юқори даражага кўтарилган. Кушон давлати ҳудудидан Рим тангалари, Римдан эса кушон тангаларининг топилгани ушбу фикрни тасдиқлайди.

Яна бир манбада қайд этилишича, “Кушонлар даврида чиқарилган илк тангаларнинг бир томонида Юнон–Бақтриянинг сўнгги подшоси Гермей

тасвири, иккинчи томонида эса “кушонлар ябғуси Кужула Кадфиз” деган сўзлар бор. Демак, дастлаб Кушон ҳокимлари ўз номларини “подшо”, “шоҳ” тушунчалари билан боғламаганлар. Аммо, Кушон давлати ҳудудининг кенгайиши ва сиёсий–ҳарбий аҳамиятининг ортиб бориши билан бирга танга пулларда “шоҳ”, “шоҳлар шоҳи” атамаси кўплаб учрайди. Бундай ўзгаришлар Хитой муаллифи берган маълумотларни яъни, давлатнинг ҳарбий қудрати кўпчилик мамлакатлар томонидан тан олинганлигини исботлайди”¹¹.

Иқтисод фанлари номзоди З.Собирова томонидан Кушон давлатида пул ислохотлари, хусусан, хазина даромадлари ҳақида эълон қилинган мақолада қайд этилишича “Худудлардан хазинага “фаррос” – аъзолик бадаллари келиб тушган. Кушонлар даврида Грек-Бақтрия давлатчилиги даврида мавжуд бўлган солиқлар ислох қилинади. Асосий солиқлар меҳнат, даромад ва мулклардан ундирилар эди. Кушонлар сулоласи даврида бевосита ва билвосита солиқлар, йиғимлар ва бож тўловлари жорий этилган. Молия ишлари Рим империясида ўрнатилган тартиблар асосида олиб борилган. Бевосита солиқлардан меросдан ундириладиган 5 фоизли солиқ, қулларни сотиб олиш ва сотиш савдосидан ундириладиган 4 фоизли солиқ, Кушон давлати ҳудудидан ўтадиган карвонлардан ундириладиган савдо ва бож солиқлари салтанат бюджетида иккинчи ўринда турган. Биринчи ўринда ер солиғи ва киши бошидан ундириладиган жон солиғи турар эди. Солиқлар иттифоқ аъзоларидан имтиёзли равишда ундирилса, қарам, тобе мамлакатлар ва худудлардан ясовуллар, оқсоқоллар назорати остида тўпланар эди.

Ҳиндистон, Афғонистон, Кашмир, Қандаҳор, Банорас, Шибирғон, Амударёнинг ўнг ва сўл қирғоғига жойлашган давлатлардан олинадиган солиқлар миқдорини аниқлаш учун бу мамлакатларга солномачилар, ҳисобчилар, иқтисодчилар юборилган. Улар фойдаланиладиган ерларнинг ҳисоби, оилалар сони, мол-мулклар миқдори, ҳар бир хонадонга қарашли

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбекистон тарихи кафедраси Ўзбекистон тарихи I –жилд. I–китоб Олий ўқув юртлари тарих факультети талабалари учун дарслик Тошкент–2015 Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори, профессор А.С.Сагдуллаев –Б. 264.

қуллар, йўллардаги работлар, карвонсаройлардан тушадиган тушумларни ҳисоб-китоб қилишиб, бош хазинабон ҳузурига даромадлар рўйхатини етказишар эди.

Кимки янги каналлар қазиб, ариқлар орқали далаларга сув келтирса, янги ерларни ўзлаштирса, 5 йилга солиқлардан озод қилинар эди. Суғориш тизимини кенгайтириш учун солиқ тадбирлари ҳам кенг қўлланилган. Ҳар ўчоқдан бир киши йилига 20 кун суғориш иншоотларини тозалаш ва таъмирлаш учун қатнашиши шарт эди. Қатнашмаганлар мардикор ёки пул тариқасида ўз улушларини қўшишлари керак бўлган, ирригация ишлари чўзилиб, 40–50 кунлаб ҳашарда қолиб кетган одамларнинг оилалари барча солиқлардан озод қилинар эди. Нисса ҳужжатларини таҳлил қилиш, солиқ йиғиш (натура ҳолидаги солиқ) ва маҳсулотларни асрашга кўпдан-кўп амалдорлар жалб қилинганлиги ва солиқларни қабул қилувчи хазинабон ишлаб турганлигидан дарак беради.

Ўзбекистоннинг молия тарихи бўйича йирик тадқиқотчиси, профессор Х.Собировнинг илмий асосланган таҳлиллари асосида қилинган ҳисоб-китобларимизга кўра, салтанат хазинасига йилига савдо божларидан 75 тонна соф олтин миқдорида тушум келиб турганлиги аниқланган. Кушон салтанатидаги пул ва пул муомаласини кузатар эканмиз, унинг икки хил рол ўйнаганини кўрамиз: 1) пул савдо жараёнларини амалга оширишда воситачи; 2) пулнинг ўзи савдо объекти сифатида хизмат қилади.

Кушонларнинг кўп сонли яхши қуролланган қўшини салтанат таянчи ҳисобланган. Кушоннинг тинчликсевар мамлакат бўлганлигини Канка олдида қад кўтарган ажойиб баланд бино исботлайди. Маълумотларга кўра, у Хитой солномачисини лол қолдирган, ушбу бинонинг шимол тарафидаги деворида рангли бўёқлар билан Хитой императорлари, шарқ тарафида –Турк хонлари ва Ҳинд зодагонлари, ғарб тарафида – Форс ва Рим давлатларининг шаҳаншоҳлари тасвирланган. Академик В.В.Бартольд хитой солномачиси хабарини таҳлил қилиб, Самарқандга яқин ерда жойлашган Кушон салтанати қароргоҳи ёнида қад кўтарган бинони куйидагича тасвирлайди: “Битта

бинонинг тўрт чеккасида Рим, Форс, Ўрта Осиё, Хитой ва Ҳиндистон давлатларининг ҳукмдорлари тасвирланган обида ҳеч бир давлатда бўлмаганлиги аниқ.

Кудзула Кадфизнинг ўғли Вима Кадфиз отаси ўлимидан кейин иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар ўтказди. Бу даврда Кушонлар давлати Покистон ва Ҳиндистоннинг марказий вилоятларини босиб олган ва Вима Кадфиз шаънига Ҳиндистоннинг Матхура шаҳрида тош ҳайкал қад кўтарган эди”¹².

Шунингдек, С.П.Толстов Хоразмдан топилган Кушон подшолари томонидан зарб қилинган тангаларга асосланиб, Хоразм ҳам Кушонлар давлати таркибига кирган деган фикрга келган. К.В.Тревер Чочни, А.Н.Бернштам Фарғонани Кушонлар давлати таркибига киргани ҳақида ёзишган.

Умуман олганда Кушон давлатининг дастлабки асосини Бақтрия ерлари ташкил этган. Кейинчалик Марказий Осиёнинг катта қисми Шарқий Туркистон ва шимолий Ҳиндистон Кушонлар давлатига бўйсундирилган. Кушонлар давлатини ябғу унвони билан подшо бошқарган. Канишка даврида Хитой, Рим, Парфия каби ўша даврнинг энг қудратли давлатлари билан савдо, иқтисодий, маданий ва дипломатик алоқалар йўлга қўйилган. Кушон тангалари Римнинг қадимги Помпей шаҳрида олиб борилган архологик қазшмаларда топилгани ушбу фикрни исботлайди.

Кушонлар давлатида ҳам Аҳамонийлар, Александр Македонский, Юнон-Бақтрия давлат бошқаруви тизими анъаналари сақлаб қолинган. Яъни давлат сатрапияларга бўлинган. Сатраплар ҳукмдор томонидан ишончили номзодлар, яқинлари ҳамда ҳарбий ҳаракатларда ўзини кўрсатган саркаралар орасидан тайинланган.

Улар доимий равишда давлат хазинасига ўлпон тулаб турган. Ўрта Осиёда Кушонлар даврида йирик шаҳарлар, шаҳарчалар ва шаҳар типигаги

¹² Собирова З. Жаҳон адабиёти журнали, 2008 йил, 10-сон. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/zuhra-sobirova-kushon-saltanatidagi-islohotlar/>

манзилгоҳлар кўп сақланган. Кушон даври шаҳарларида асосан маъмурий–сиёсий марказлар жойлашган бўлиб, улар қалъалар билан ўраб олинган. Бундай қалъалар Самарқандда (Афросиёб), Марвда (Говурқалъада), Қашқараёда (Ерқурғон), Сурхондаёда (Эски Термиз, Далварзинтепа) сақланиб қолган. Шунингдек, В.Д.Жуков томонидан ўрганилган “Кушонлар даврида бунёд этилган шаҳар-қалъалар Хайрабодтепа”¹³ сақланган. Манбаларда қайд этилишича Сурхондарё вилояти ҳудудида кушонлар даврига оид 130 та ёдгорлик мавжуд бўлиб, шундан 80 таси қишлоқлар кўринишидаги манзилгоҳлар ҳисобланади.

Кушон подшоларининг келиб чиқиши ва уларнинг қайси халқларга мансуб эканлиги тўғрисида олимлар ўртасида турли қарашлар мавжуд. Мисол учун, Япон олими Казуо Эноки кушонларни эроний қабилалардан бири сақлардан келиб чиққан дея қайд этган¹⁴. Америкалик олимлар Жамес Патрик ва Вистор Хенрйнинг таъкидлашича, юечжилар ва кушонлар дастлаб кўчманчи эроний халқ бўлган, улар кейинчалик ўтроқ тохарлар томонидан қисман ассимиляция қилинган¹⁵. Америкалик бошқа бир олим Андре Викингнинг сўзларига кўра, “ҳозирда ҳеч бир тарихчи уларни турк, мўғул ёки хун деб ҳисобламайди, гарчи уларнинг Ўрта Осиёдан келиб чиқишига ҳеч қандай шубҳа йўқ”.

Аmmo бошқа манбаларда Кушонлар туркий халқлар бўлгани тўғрисида маълумотлар қайд этилган. Хусусан, Р.Х.Сулаймоновнинг фикрига кўра, Кушонлар туркий халқлар бўлган. Мисол учун, Кудзула Кадфиз туркча исм ҳисобланади. Қ.Маҳмудовнинг фикрига кўра, “Кушон ва Эфталийлар даврига оид туркий тилда битилган жумлалар сақланиб қолган. Бу эса кушонлар туркий халқларга мансублиги ҳақидаги тасаввурни туғдиради. “Куйсан (Кушон) тилинтин тухри тилинча йаратмиш, анаткак (санскрит) тилинтин тухри тилинча йаратмиш”¹⁶ Бу ҳақда нумизматик маълумотлар ҳам учрайди.

¹³ Жуков В.Д. Археологическая разведка на Шахристане Хайрабад-тепа // ИМКУ вып.-2. Ташкент: 1961. С. 182.

¹⁴ Enoki, Koshelenko & Naidary 1994, pp. 171–183; Puri 1994, pp. 184–191.

¹⁵ Mallory & Mair 2008, p. 318.

¹⁶ Маҳмудов Қ. Туркий қавмлар тақдири. “Фан ва турмуш” 1980, 11-сон, 3-бет.

Куджула ва Вима Кадфизлар зарб қилган тангаларда туркийча унвон “жабғу” давлат бошлиғи деган сўз учрайди. Шунингдек, З.Собированинг қайд этишича, “дастлабки Кушон ҳукумдори Кудзула Кадфиз унвони бўлган “Ябғу” атамаси Маҳмуд Кошғарий асарида изоҳланган. Бу муҳим далил Кушонлар асосан туркий халқлар бирлашмасидан иборат бўлганлигини кўрсатади”¹⁷, – деб ёзади. Кушонлар даврга оид ҳайкаллар орқали тасвирланган инсонларнинг ҳам ташқи кўринишдан туркий халқларни эслатади.

Тахминан эрамизнинг III асри иккинчи ярмига келиб, Кушонлар давлати инқирозга учрай бошлаган. Хусусан А.Кабировнинг қайд этишича “подшо Хувишка вафотидан сўнг Кушон давлати иккига бўлиниб, бирида Весудева, иккинчисида эса Канишка III подшолик қилганлар. Кушон подшолигининг иккига бўлиниб кетиши унинг куч-қудратига путур етказди ва заифлаштиради. Худди шу даврда Эрон сосонийлари кучайиб, Кушон подшолигининг ғарбий вилоятларига бостириб кирадилар. 242–243 йилларда бўлган шиддатли жангларда сосоний шоҳи Шопур I (309–379) кўшинлари Кушон кўшинлари устидан ғалаба қозонади. Кейинги жангларда ҳам кушонлар сосонийлардан енгилиб ғарбий вилоятларидан ажрадилар. Узоқ давом этган ички низолар, ғарбдан сосонийлар ва шимолдан кўчманчи қабилаларнинг шиддатли хужумлари туфайли милодий IV аср охирига келиб Кушон подшолиги емирилиб батамом барҳам топади”¹⁸.

“З.Муқимовнинг қайд этишича, “бу давлат деярли тўрт аср мавжуд бўлиб, эрамизнинг IV асри 70-80 йилларида ғарбий қисми Сосонийлар Эрони, Шимолий Ҳиндистон эса, кудратли Гупталар давлати таркибига кўшиб олиниши билан инқирозга учрай бошлайди. IV асрнинг охири ва V аср бошларида Эфталийлар бошчилигидаги кўчманчи қабилалар инқирозга учраган Кушонлар давлатини емириб ташлайдилар”¹⁹.

¹⁷ Собирова З. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2008 йил, 10-сон.

¹⁸ Кабиров А. Қадимги шарқ тарихи Тошкент. 2018 – Б. 286-287.

¹⁹ Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Тошкент. “АДОЛАТ”. 2003 – Б42-43.

Б.Турғуновнинг ёзича “Кушон подшолигининг айрим жиҳатлари ҳозиргача ноаниқ бўлиб, тарихчи, шарқшунос ва археолог олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Кушон подшолиги сиёсий тарихи ва маданияти ўтмишининг ҳали тўла, ҳаққоний ёритилмаган жиҳатлари кўп бўлиб, Ўзбекистон, Ҳиндистон, Франция, АҚШ, Италия, Венгрия, Тожикистон, Афғонистон, Россия, Япония олимлари уларни аниқлаш борасида чуқур, изчил илмий тадқиқотларни давом эттирмоқда²⁰.

Шундай қилиб, Кушон давлати тахминан IV аср ҳукм сурган қадимги дунёнинг қудратли салтанатидан бири бўлган. Давлат таркибига Марказий Осий, Афғонистон, Шарқий Туркистон ва Шимолий Ҳиндистон ўлкалари кирган. Бу даврда буддизм Бактрия орқали Шарқий Осиё давлатлари, хусусан Хитой, Корея, Япониягача бўлган ҳудудга кенг тарқалган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Юнон-Бактрия давлатининг кучсизланиши натижасида шу ҳудудларга қадимдан яшаб келаётган маҳаллий халқлар мустақил бўла бошлаган. Хусусан, Хюми, Шуми, Кушон, Хисе, Думи қабилаларини Кушон ябғуси бирлаштириб, ягона давлатга асос солган.

Ўз даврида Кушон подшолиги Осиёдаги энг йирик қулдорлик давлатларидан бирига айланган. У ривожланган вақтида Осиёнинг катта қисмини эгаллаган. Подшолик ҳудудларига турк, ҳинд, тоҳар, суғд, бактра, юнон, усун ва бошқа қадимги халқлар яшаган.

Мамлакатда диний бағрикенглик сиёсати юрғизилган. Подшолар саройида ва марказий шаҳарлардан будда ҳайкаллари сақланиши ҳукмрон сулола вақллари будда динига эътиқод қилганлигидан далолат беради.

Хусусан, япониялик археолок олим профессор Като Кюдзо бошчилигида олиб борилган тадқиқотда Марказий Осиёда буддавийлик, иконаграфия, диний қарашлар, шаҳарсозлик, Кушон давлатининг шаклланиш жараёни, Буюк ипак йўлининг излари, санъат каби масалалар ўрганилган. Фукримизга кўра Кушонлар даврига оид ибодатхоналар, ҳайкалтарошлик ва тангашунослик

²⁰ Turg'unov B. Temur G'iyosov. [O'zME](#). Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil

намуналари аниқ ишлангани билан ҳам олимларининг қизиқишларига сабаб бўлмоқда.

Умуман олганда Кушонлар давлати Ўзбекистон давлатчилиги тарихида йирик салтанат-империя босқичига кўтарилган давлат ҳисобланади. Хусусан, милодий I аср бошларига келиб, Кушон давлати Рим салтанати билан рақобатлашган қудратли давлатлардан бирига айланган. Кушонлар даврида иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаёт юксак даражада ривожланган. Кушон подшолиги ҳудудидан ўтган “Буюк ипак йўли” ташқи савдонинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. Кушон подшолари томонидан зарб қилган олтин, кумуш ва мис тангалар дунёнинг яқин ва узоқ мамлакатларидан топилиши Кушон подшолиги чет мамлакатлар билан кенг миқёсда савдо, ҳарбий, дипломатик ва маданий алоқалар олиб борганидан далолат беради.

Бироқ ўтмишдаги барча сулола ва давлатлар каби кушонлар давлати ҳам ўзаро ички низолар ва ташқи кучларнинг таъсири, сиёсий келишмовчиликлар, ўзаро ички низолар, ҳокимият учун курашнинг кучайиши тинимсиз урушлар, кўчманчиларнинг ҳужумлари ҳамда бўйсундирилган ўлкаларда мустақиллик учун олиб борилган ҳаракатлар оқибатида аста-секин заифлашиб, милодий IV аср охирига келиб инқирозга учраган.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. Турғунов Б. Ўзбекистон миллий энциклопедияси
2. Ўша манба
3. Гафуров Б.Г. Кўшанская эпоха и мировая цивилизация, М., 1968.
4. Beckwith 2009, p. 380 “The identity of the Tokharoi and Yüeh-chih people is quite certain, and has been clear for at least half a century, though this has not become widely known outside the tiny number of philologists who work on early Central Eurasian and early Chinese history and linguistics”.
5. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, М. –Л. 1950, II том, 187-бет.
6. Кабиров А. Қадимги шарқ тарихи Тошкент. 2018 – Б. 285-287.

7. Пугаченкова. Г.А., Ртвеладзе Э.В. н др. Дальверзинтепе – кушанский город на юге Узбекистана. Ташкент: Фан, 1978. – С 185.
8. Литвицкий Б. А., Седов А. В., Культы и ритуалы кўшанской Бактрии. М., 1984;
9. Пугаченкова Г А., Ртвеладзе Э. В. Северная Бактрия – Тохаристан, Т., 1990.
10. Древнейшие государства Закавказья и Средней Азии. М., “Наука”, 1988. с.344
11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбекистон тарихи кафедраси Ўзбекистон тарихи I –жилд. I–китоб Олий ўқув юртлари тарих факультети талабалари учун дарслик Тошкент–2015 Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори, профессор А.С.Сагдуллаев –Б. 264.
12. Собирова З. Жаҳон адабиёти журналы, 2008 йил, 10-сон. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/zuhra-sobirova-kushon-saltanatidagi-islohotlar/>
13. Жуков В.Д. Археологическая разведка на Шахристане Хайрабад-тепа // ИМКУ вып-2. Ташкент: 1961. С. 182.
14. Enoki, Koshelenko & Naidary 1994, pp. 171–183; Puri 1994, pp. 184–191.
15. Mallory & Mair 2008, p. 318.
16. Махмудов Қ. Туркий қавмлар тақдири. “Фан ва турмуш” 1980, 11-сон, 3-бет.
17. Собирова З. “Жаҳон адабиёти” журналы, 2008 йил, 10-сон.
18. Кабиров А. Қадимги шарқ тарихи Тошкент. 2018 – Б. 286-287.
19. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Тошкент. “АДОЛАТ”. 2003 – Б42-43.
20. Turg'unov B. Temur G'iyosov. [O'zME](#). Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil.